48-49 (378-379)

2003 йил 3 декабр

Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2
- Амнистия — инсонпарварлик намунаси.
- Энг яхши ёрдам - ўз вақтида берилган ёрдам.

3
- Ҳар инсон ҳаётига дахлдор ҳужжат.
- Мукофот муборак, ғолиблар!

4
- Бекорчидан барча безор(ми?)!
- Таҳририят маҳалла учун стадион қурди.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабр куни Оқсаройда Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Юрий Шевченкони қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан мамнуният изҳор этди.

Дарҳақиқат, бу йўналишдаги алоқалар кўлами анча кенг. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислоҳотларда Ўзбекистон ва Россия соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигининг ўрни ҳам салмоқли. Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистондаги турли тиббиёт муассасалари, жумладан, қишлоқ врачлик пунктлари учун Россиядан умумий қиймати 3,5 миллион АҚШ долларига тенг ускуна ва жиҳозлар ҳамда 500 минг долларлик махсус автомобиллар келтирилди. 300 нафар ўзбекистонлик мутахассис Россияда қайта тайёрлов курсларини ўтаб келган бўлса, яна 250 нафар мутахассис малака ошириб қайтди.

Соғлиқни сақлаш вазирликлари муассасаларо алоқаларни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратмоқда. Ўзбекистоннинг академик В.Воҳидов номидаги Республика илмий жарроҳлик маркази билан Россиянинг А.Бакулев номидаги юрак-қон томир хирургияси илмий маркази ҳамда Россия тиббиёт фанлари академиясининг хирургия илмий маркази ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

Айтиш жоизки, сиёсатдан холи бўлган соғлиқни сақлаш соҳаси фақат инсонларга хизмат қилишдек улуғ мақсадни назарда тутади. Учрашувда Президент Ислом Каримов шу жиҳатни алоҳида таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, кадрлар тайёрлаш, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, техникавий соҳадаги алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Ватан мукофоти - Хоразм элига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи

Хоразм кўҳна тамаддун бешикларидан ҳисобланади. «Авесто» қадар қадимий юрт. Ўтмиши бой, келажаги мунаввар. Дунёга Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий каби машҳур алломаларни етказиб берган табаррук замин.

Мамлакатимиз мустақиллиги кўҳна Хоразм тарихида янги - буюк юксалиш даврини бошлаб берди. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ миллат ғурурини уйғотиш, унинг бой меросини, улуғ алломаларини, асрий анъаналарини дунёга машҳур этишга бел боғлаган Юртбошимиз қадим Хоразм маданиятига ўзгача меҳр билан қарайди. Ўтган йилларда Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Айниқса, Жалолиддин Мангубердидек миллатнинг ҳақиқий ўғлонига, юрт фидойисига алоҳида ҳурмат кўрсатилди. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ёдгорлик мажмуаларининг бунёд этилиши ҳам буюк аждодларга юксак эҳтиром рамзидир.

Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида «Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бири бўлмиш Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуғ иш бўлур эди», деган эди. 1997 йилнинг 11 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Бугун ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил ва адабиёт, биология каби илмий бўлимлар ишлаб турибди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, турли соҳалардаги янгиланишлар вилоят халқ хўжалиги тизимини тубдан ўзгартирди. Одамларнинг меҳнатга, мулкка муносабати ўзгарди. Улар ўз келажаги ва юрт равнақи йўлида фидойилик кўрсатмоқда.

Давоми 2 - саҳифада

Юртбошимиз хоразмлик деҳқонларнинг ўзининг буюк хизматлари учун, аввало, аждодларимизнинг тарихий ва маънавий анъаналарини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти - Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган эди.

Барчангизни, бутун Хоразм элини ана шу мукофот билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги воқеанинг яна бир муҳим томони шундаки, Ватан озодлиги йўлида мардона курашиб, жон фидо этган буюк аждодимиз, жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган бу орден Ўзбекистон тарихида илк марта топширилмоқда. Ва бу орденнинг биринчи бўлиб айнан Хоразм вилоятига берилишида теран маъно бор.

Мен бу юксак мукофотни авваламбор минг йиллик қадимий цивилизация бешиги бўлган шу муқаддас заминга, дунёга Мусо Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий ва Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий сингари буюк зотларни берган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизнинг обрўсини оширишга ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Хоразм элига давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзи сифа-

Президент Ислом Каримовнинг Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Муҳтарам юртдошлар!

Авваламбор, мен бугун қадимий ва бетакрор Хоразм заминига қадам қўйиб, сиз азиз юртдошларим билан дийдор кўришиб, сизларнинг очиқ чеҳрангизга боқиб, барчангизни бардам, яхши кайфиятларингизни кўриб, хурсанд бўлганимни билдирмоқчиман.

Ва сиз азизларга, сиз орқали бутун Хоразм аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Барчангизга маълум: истиқлолимизнинг 12 йиллик байрами арафасида Хоразм вилояти ўзининг буюк хизматлари учун, аввало, аждодларимизнинг тарихий ва маънавий анъаналарини, мардлик ва жасорат намуналарини асраб-авайлаб, муносиб давом эттириб келаётгани, ёш авлодимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги улкан хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти - Жалолиддин Мангуберди ордени билан тақдирланган эди.

Барчангизни, бутун Хоразм элини ана шу мукофот билан чин қалбимдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Бугунги воқеанинг яна бир муҳим томони шундаки, Ватан озодлиги йўлида мардона курашиб, жон фидо этган буюк аждодимиз, жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган бу орден Ўзбекистон тарихида илк марта топширилмоқда. Ва бу орденнинг биринчи бўлиб айнан Хоразм вилоятига берилишида теран маъно бор.

Мен бу юксак мукофотни авваламбор минг йиллик қадимий цивилизация бешиги бўлган шу муқаддас заминга, дунёга Мусо Хоразмий ва Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий ва Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд ва Огаҳий сингари буюк зотларни берган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг бунёдкорлик ишлари билан мамлакатимизнинг обрўсини оширишга ва унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Хоразм элига давлатимиз ва халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзи сифа-

Давоми 2 - саҳифада

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, қ а р о р қ и л а м а н:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;

е) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - бешдан бир қисмига.

7. Тадбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон - ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Фармоннинг 1-3, 5,6-моддалари - экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 декабрь

8 декабр – Ўзбекистон Конституцияси куни

КОНСТИТУЦИЯ - ҲАЁТИЙ ҲУЖЖАТ



Конституция - узоқ йилларга мўлжалланган муҳим ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳон цивилизациясининг буюк ютуғидир. Ҳеч бир демократик давлатни Конституциясиз тасаввур этиб бўлмайди.

Дунё тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир турли мамлакатларнинг конституциявий ривожланиши турлича бораётганини кўришимиз мумкин.

Аксарият Ғарб мамлакатларига конституциявий ривожланишнинг инқилобий ислоҳот йўли хос бўлиб, бунда Конституция инқилоб натижасида, жиддий сиёсий ва ижтимоий бўҳронлар вақтида қабул қилинади.

Бу борадаги ислоҳотларнинг иккинчи йўли тадрижий хусусиятга эга бўлиб, бир конституциявий тузумдан иккинчисига ўтиш аста-секин, босқичма-босқич, халқнинг азалий анъаналари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Бундан роппа-роса ўн бир йил муқаддам, парламент сессиясида халқимиз умумий иродасининг ҳосиласи - мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси айнан шу тариқа қабул қилинди. Давлат ва жамият ҳаётининг Асосий Қонуни бўлмиш бу ҳужжат қонун чиқариш фаолиятимизнинг гултожи, десак муболаға бўлмайди.

Конституциянинг қабул қилиниши мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам сифатида тарихда қолди. У суверен давлатимизнинг ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг тагзамини, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тошидир.

Маълумки, Конституция демократиянинг энг муҳим институтларидан бўлиб, одатда бир ғоя билан бирлашган учта вазифани бажаради.

Биринчидан, у сиёсий ҳужжат сифатида жамиятда муайян ижтимоий муҳитни юзага келтиради, сиёсий тизимни белгилаб беради.

Иккинчидан, Конституция юридик ҳужжат сифатида давлатнинг тузилишини ва ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлайди, қонунларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, мафкуравий жиҳатдан Конституцияда муайян ғоялар, қарашлар ва қадриятлар акс этади. Конституциямизда мустаҳкамланган миллий ғоя мамлакатни, халқни бирлаштиришга ва жипслаштиришга хизмат қилади. Бу айниқса Асосий Қонуннинг Муқаддимасида ўз аксини топган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг баъзи бир мамлакатларида турли хил фикрлар айтилишига қарамай, мутлақо мафкурасиз Конституция умуман мавжуд эмас. Негаки, ҳар бир жамият Конституцияда ўз мафкурасини акс эттиришга интилиши исбот талаб қилмайдиган оддий ҳақиқат.

Конституциянинг моддаларини ҳаётга кенг татбиқ этиш борасида Олий Мажлис ўтган йиллар мобайнида 300 дан зиёд қонун қабул қилди.

Давоми 2 - саҳифада

Обод маҳалла йили танловлари

МАҲАЛЛА КОНСТИТУЦИЯ ТАРҒИБОТЧИСИ

Обод маҳалла йили танловларидан бири якунланди. Ўзбекистон Миллий Академик драма театрида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳияти ва натижаси кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилгандир. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг асосий шартларидан бири — ҳар бир фуқаронинг Ўзбекистон Конституциясига доир билимлари мукаммал, тўлиқ бўлишидир. Ривожланган давлатлар тажрибасидан аёнки, етарли даражада ҳуқуқий билимга эга фуқаро ҳуқуқий саводсиз шахсга нисбатан ўз оиласи фаровонлиги равнақи учун ҳам, жамият равнақи учун ҳам кўпроқ ҳисса қўша олади.

Давоми 2- саҳифада

3 – декабр Халқаро ногиронлар куни

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика бошқаруви раёсати Халқаро ногиронлар куни муносабати билан махсус қарор қабул қилган эди. Ушбу қарорни амалга ошира бориб, жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ҳудудидаги ногиронлар интернатлари, қариялар ва меҳрибонлик уйлари ҳамда маҳаллардаги ногиронлар учун кенг миқёсда мурувват ёрдами кўрсатиш ишларини амалга оширдилар. Бу ишга қатор ҳомий ташкилотлар, саховатли тадбиркорлар, саховатпеша фермерлар жалб этилди.

Уларнинг беминнат ёрдамида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ногиронларга, моддий ёрдамга муҳтож кексаларга, ёлғиз оналарга ва ногирон болаларга совғасалом ташкил этилди.

«Маҳалла» жамғармаси бўлинмаларн, маҳалла йиғинлари, маданият бўлимлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ҳудудида Халқаро ногиронлар куни кўнгилли ўтказиш мақсадида тантанага маҳаллий санъаткорларни, фольклор ансамбларини таклиф этиб, йиғилганларга яхши кайфият, дилларига қувонч бахш этадилар.

3 декабр куни Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида катта хайрия байрам концерти ташкил этилиб, ҳомий ташкилотлар томонидан ногиронларга турли хил совға-саломлар ҳадя этилади.

Мухбиримиз.

Обуна-2004

Mahalla

-Яна нима дейди?
-2004 йил учун обуна бўлинглар, - дейди!

Бугун бўлмаса қачон?!

Мамлакатимизда барча нашрларга 2004 йил учун обуна бўлиш давом этмоқда. Азиз муштарий! «Mahalla» га обуна бўлиш учун ҳали эрта деб ўйламанг. Бунинг обуна учун бугун айни вақти.

Газетхонга тушунтириш хати ўрнида

ХЎЖАМБЕРДИЕВ "MAHALLA" МУХБИРИ ЭМАС!

Биз бундай сарлавҳа билан муштарийга мурожаат қилишдан аввал кўп ўйладик. Бундан бўлак чораларни ҳам қўллаб кўрдик. Афсуски, фойдаси бўлмади. Ўйлаб, ўйлаб шундай қилиш керак деган хулосага келдик.

Гап шундаки, таҳририятимизга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан баъзи бир муштарийлар қўнғироқ қилиб ўзлари ҳақидаги мақола ёки суратлар газетада қачон чиқиши билан қизиқишади. Суриштиришлардан Мусурмон Хўжамбердиев деган киши "Mahalla" мухбири сифатида улар фаолиятидан суратлар, ёнидаги бир аёл эса маълумотлар ёзиб олгани маълум бўлади. Биз уларнинг ҳар бирига тушунтирамиз: "М.Хўжамбердиев жамоатчи сифатида газетада ўз суратлари билан қатнашган, аммо унинг мухбирлик ваколати йўқ". Биз Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида яшовчи М.Хўжамбердиевни уч марта таҳририятга чақириб, унда бундай ваколат йўқлиги ҳақида огоҳлантирдик.

...Афсуски, шундан кейин ҳам "М.Хўжамбердиев ва бир аёл билан биздан ҳозиргина сурат ва маълумотлар олиб кетди..." деган қўнғироқлар бўлиб турибди. Тахминан бир йилдан буён шу аҳвол давом этади.

Ҳурматли муштарий! Мабодо, сизнинг ҳузурингизга худди шундай исми-шарифли шахс "Mahalla" мухбири эканлигини айтиб борса... билингки, унинг ундай ваколати йўқ. Сиз бу ўринда тегишли идора ёки бизга ёзма равишда мурожаат қилишингиз мумкин.

ТАҲРИРИЯТ.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **00123**-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили:
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона – 136-53-93.
Тел/Факс: – 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон Фармонига мувофиқ республикада замонавий, юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган ташхис қўйиш ва даволаш тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланган шошилинч тиббий ёрдамнинг яхлит тизими яратилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Аҳолига шошилинч тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам хизматини, айниқса республика минтақаларида янада ривожлантириш, тизимда ишлаётган кадрларни рағбатлантиришни кучайтириш, замонавий, юқори технологияли ташҳис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналаридан малакали фойдаланишни ва уларга сервис хизмати кўрсатишни таъминлаш соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ҳозирги босқичининг устувор вазифаси ҳисоблансин.

Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантиришни амалий қўллаб-қувватлаш учун Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ҳузурида бюджетдан ташқари шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Қуйидагилар:

давлат бюджети маблағлари, шу жумладан бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳисобига тежалган маблағлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг ҳомийлик маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, Шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига тушадиган ҳомийлик маблағлари солиққа тортилмайди.

2. Шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасининг ҳомийлик кенгаши тузилсин.

Ҳомийлик кенгашига қуйидаги вазифалар юклансин:

шошилинч тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавий ташҳис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш бўйича вазифаларни амалга оширишга бутун чоралар билан кўмаклашиш;

шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимларининг малакасини оширишга, хизматнинг тиббиёт муҳандис-техник ва ёрдамчи ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга кўмаклашиш;

шошилинч тиббий ёрдамни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун манфаатдор давлат ва жамоат тузилмаларини, халқаро ташкилотларнинг, мамлакатимиздаги ва хорижий инвесторларнинг кенг жалб этилишини таъминлаш;

шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш.

4. 2004 йил 1 январдан бошлаб шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати ходимларининг, шу жумладан муҳандис-техник ходимларининг лавозим маошлари Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядини ошириш ҳисобига 15 фоизга оширилсин.

Белгилаб қўйилсинки, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган икки ёки ундан кўп асослар бўйича маошларни ошириш ҳуқуқига эга бўлган бўлинмалар ва лавозимлар учун маошларни ошириш миқдори 30 фоиздан ошмаслиги керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2004 йил 1 январгача:

шошилинч тиббий ёрдам республика маркази ҳузурида юқори малакали муҳандис-мутахассислардан ноёб, юқори технологияли ташҳис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича 20 кишидан иборат кўчма хизмат ташкил этсин;

сервис хизмати кўрсатиш муҳандис-техник ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан юқори технологияли ташҳис қўйиш ва даволаш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи хорижий фирмаларда бевосита тажриба орттириши бўйича тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

шошилинч тиббий ёрдам республика марказидаги, вилоятлар ва туманлар филиалларидаги ҳамда сервис хизмати кўрсатилиши ва таъмирланиши керак бўлган тиббий асбоб-ускуналар ва техникалар рўйхатини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

юқори технологияли ташҳис қўйиш ва тиббиёт асбоб-ускуналарига сервис хизмати кўрсатиш учун масъул бўлган муҳандис-техник ходимлар лавозимлари рўйхатини;

шошилинч тиббий ёрдам хизмати ходимлари учун улар ишининг тезкорлик ва тиғизлик характерини ҳисобга олувчи штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб:

тиббиёт олий ўқув юртларининг даволаш факультетлари талабаларининг, тиббиёт коллежлари ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув юртлари ўқувчиларининг ўқув дастурига шошилинч тиббий ёрдам масалаларини мажбурий равишда чуқур ўрганишни киритсин;

«Шошилинч тиббий ёрдам» ихтисоси бўйича магистратура очишни назарда тутсин;

«Шошилинч тиббиёт врачи» мутахассисига нисбатан малака тавсифномалари ва талабларини ишлаб чиқсин ва уни врачлик ихтисослари классификаторига киритсин;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузурида шошилинч тиббий ёрдам кафедрасини ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

шошилинч тиббий ёрдам республика марказига Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 2003 йилда 50.0 миллион сўм ва 2004 йилда 150,0 миллион сўм ажратсин, бу маблағларни бюджетдан ташқари шошилинч тиббий ёрдам хизматини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига мақсадли ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ҳар йили республика бюджетини шакллантиришда шошилинч тиббий ёрдам хизмати учун асбоб-ускуналар, анжомлар, тиббиёт буюмлари, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материаллар харид қилиш харажатларининг алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилишини назарда тутсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда шошилинч тиббий ёрдам хизматининг вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан уларни замонавий, юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, мамлакатимиздаги ва чет эллардаги етакчи клиникалар ҳамда тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчилар базасида тиббий ва муҳандис-техник ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 декабр

Ватан мукофоти - Хоразм элига юксак ҳурмат ва эҳтиром рамзи

Давоми, аввали 1-саҳифада

қонларнинг ҳар бир кунини жасоратга мезгаган эди. Дарҳақиқат, мураккаб иқлим шароитида меҳнат қилаётган вилоят деҳқонлари эришаётган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Улар бу йил ҳам ғалла, пахта етиштиришда улкан муваффақиятларга эришди. Мамлакатимиз тарихида илк бор шолидан энг юқори ҳосил олинди. Бунда хоразмлик миришкорларнинг катта ҳиссаси бор.

Вилоят қишлоқ хўжалиги тизимида фермер хўжаликлари муҳим ўрин тутади. 6 минг 170 фермер хўжалиги меҳнати билан вилоятда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ортиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини кўрсатяпти. Болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ Хоразм вилояти мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини топшириш учун 2 декабрь куни Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган тантанали маросимни Хоразм вилояти ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Бобожонов очди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз Хоразм элининг улуғ аждодларга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат анъаналарини муносиб давом эттириб келаётганини, мураккаб табиий шароитда ўз матонатини намоён этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак натижаларга эришаётганини алоҳида таъкидлади. Буюк тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этаётган, ёш авлодни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялаётган Хоразм аҳлининг фидокорона меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Давлатимиз раҳбари Ватанимизнинг юксак мукофотини Хоразм вилояти ҳокимига топширди.

Тадбирда сўзга чиққан меҳнат фахрийси Йўлдош Ҳожиев, Зулфия мукофоти лауреати Малоҳат Рўзметова, «Хоразм-Нуртоп» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси раҳбари Пўлат Сафаров ва Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак вилоятнинг Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланиши бутун воҳа элини беҳад қувонтирганини таъкидлаб, бундай юксак эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Хива шаҳридаги «Хива-Карпет» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини бориб кўрди. Корхона маҳсулотлари нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорини топган. Германия, Франция, Швейцариядан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада 700 га яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона бир йилда 2,4 миллион квадрат метр гилам ва гилам маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга. Корхона цехларини айланиб, замонавий тўқув дастгоҳлари, гилам тўқиш жараёни билан танишган Юртбошимиз гиламларнинг замонавий, миллий шакл ва услубдаги янги нусхаларини яратиш, бунга ёш мусаввирларни кенг жалб этиш лозимлигини уқдирди.

Президент Ислом Каримов Урганч шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, аскарлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, ҳарбий жанговарлик тайёргарлиги билан қизиқди. Шу йилнинг май ойида Хоразм вилоятида «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтганди.

Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари тўлиқ қайта таъмирланган «Хоразм» спорт мажмуида ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари спорт мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди.

Урганч олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи «Умид ниҳоллари» республика ўйинларининг очилиши арафасида иш бошлаган эди. Салкам бир йил ичида беш минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, бокс ва кураш заллари, теннис кортлари, бадиий гимнастика маркази бунёд этилди. Бу ерда спортнинг 20 тури билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Бадиий гимнастика марказида бўлган давлатимиз раҳбари гимнастикачи қизларнинг кўргазмали чиқишларини томоша қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Темур ШАМАКОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Президент Ислом Каримовнинг Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги нутқи

Давоми, аввали 1-саҳифада

тида қабул қилишингизни истардим.

Албатта, бундай юксак мукофот фақат бир йиллик натижалар учун эмас, балки минг-минглаб одамларнинг кўп йиллар давомида юртни обод қилиш, эл фаровонлигини ошириш йўлидаги фидокорона меҳнати учун берилишини, ўйлайманки, барчангиз яхши тушунасиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Хоразм вилояти кейинги йилларда ҳавас қилса арзийдиган марраларни қўлга киритмоқда. Саноат соҳасини оладиган бўлсак, бундай ютуқларни ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларда, янги-янги соҳалар ва корхоналар пайдо бўлишида - вилоятда шакардан тортиб мева шарбатигача, экспортбоп ип калавадан тортиб замонавий кийим-кечакларгача, машҳур Хива гиламларидан тортиб экскаваторгача, бир сўз билан айтганда, ички ва ташқи бозоримизда харидоргир бўлган турли маҳсулотлар тайёрланаётганида кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда воҳада 27 та қўшма корхона ишлаб тургани, вилоят иқтисодиётига 161 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция киритилгани, биргина 2003 йилда 4 та янги қўшма корхона ташкил этилгани ҳам иқтисодиёт ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Ўзимизда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш ва шунинг ҳисобидан мамлакатимизга кўпроқ валюта маблағлари олиб келиш борасида ҳам вилоятда диққатга сазовор ишлар қилинмоқда. Жумладан, етиштирилган пахта ҳосилининг 15 фоизи шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда.

Мана шу залда ўтирган мутахассис ва раҳбарлар яхши билади, илгари, собиқ шўро даврида бу кўрсаткич 3 фоиздан ошмас эди. Кўриб турганингиздек, қисқа вақт ичида биз бу борада катта ютуққа эришдик, лекин фақат шу билан чекланиш бизга тўғри келмайди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг Хоразм вилоятида яна бир замонавий тўқимачилик фабрикаси - «Бурсел-Боғот текстиль» қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори бу соҳада келажакни ўйлаб, изчил иш олиб бораётганимиздан далолат беради.

Бўлғуси корхона йилига 5 минг 770 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. Энг асосийси, ана шу маҳсулотнинг 80 фоизи чет элга экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2004 йилнинг охирига бориб вилоятдаги пахта толасининг 30 фоизидан ортиғини шу ернинг ўзида қайта ишлашни ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини оладиган бўлсак, кейинги йилларда рўй берган объектив қийинчиликларга қарамасдан, вилоят меҳнаткашлари ғалла ва шоли, пилла ва бошқа маҳсулотлар бўйича шартнома режаларини мунтазам бажариб келаётганини эътироф этишимиз лозим.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятининг энг оғир муаммоларидан бири - бу коммуникация масаласи экани сизларга яхши маълум. Бу ўта муҳим масалани ечиш мақсадида шу кунларда Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё устига замонавий кўприк қуриш ишлари ниҳоясига етмоқда.

Лойиҳа қиймати 25 миллиард 556 миллион сўмга тенг бўлган, нафақат Хоразм, балки бутун мамлакатимиз учун стратегик аҳамиятга эга бу улкан иншоот ишга тушгач, бир вақтнинг ўзида Амударё узра поезд ҳамда автомобиль қатнови йўлга қўйилади.

Бу эса, ўз навбатида, вилоятни иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг узоғини яқин қилиш учун янги имкониятлар очиб беради.

Мана шундай эзгу ишларни амалга оширишда Хива туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Бектурди Жуманиёзов, илғор фермерлар Гулмат Ҳайитметов, Машариф Қаландаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Болтабой Сапаев, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, электрпайвандчи Юсупбой Ўрозов, уста шоликор Қурбоной Узоқбоева, моҳир тикувчи Анабиби Собирова каби юзлаб заҳматкаш инсонларнинг хизматини барчамиз юксак қадрлаймиз.

Вилоятда бошқа соҳалар бўйича ҳам ўсиш-ўзгариш, янгиланиш жараёнлари изчил давом этмоқда. Замонавий корхоналар, янги турар-жойлар, равон йўллар ва кўприклар, мактаб, лицей ва коллежлар, шифохоналар, улуғ аждодларимиз номидаги боғлар, гўзал меҳмонхоналар барпо этилмоқда. Энг муҳими, одамларнинг ҳаётга муносабати, онги ва тафаккури ўзгармоқда. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Қадрли ватандошлар!

Юртимиздаги барча ўзгаришлар марказида инсон ва унинг манфаатлари тургани, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, авваламбор, инсон учун деган қараш бизнинг асосий мақсадимиз экани барчангизга яхши аён, деб ўйлайман.

Шу маънода, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш борасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди.

Бу ҳақда гапирганда, узоққа бормай, мана шу Урганч шаҳрида ҳам яқин-яқингача тоза ичимлик суви масаласи оғир муаммо бўлиб келганини эслаш кифоя.

Биз бу масала устида вилоят ва тегишли республика ташкилотларининг раҳбарлари билан бирга бош қотириб, зарур маблағ ва имконият топиб, Туямўйин сув омборидан 148 километрлик сув тармоғини тортиб келганимиз, чет эллик ҳамкорлар иштирокида 36 километрлик янги сув тармоғини қурганимиз ана шу муаммони ечишда катта қадам бўлди.

Шулар қаторида Питнак шаҳрида сув тозалаш иншооти ва Капарас сув омборида юқори қувватли насос станцияси ишга туширилганини, Германиядан олинган кредит ҳисобидан вилоятдаги 6 та қишлоқда жаҳон талаблари асосида сув таъминоти йўлга қўйилганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бундай ижобий фикрларни аҳолини табиий газ билан таъминлаш масаласи бўйича ҳам айтиш мумкин. Сўнгги пайтда 600 километрдан зиёд газ тармоғи барпо этилгани, вилоят бўйича аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 90 фоиздан ошгани катта ютуқ, албатта.

Соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, бу ерда 106 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаётгани, кейинги йилларда болалар шифохонаси, шошилинч тиббий ёрдам маркази ва онкология касалхонаси, Хива ва Ҳазорасп даги туғруқхоналар, Урганч ва Қўшкўпир юқумли касалликлар шифохонаси каби тиббиёт масканлари тубдан қайта таъмирланганини айтиб ўтиш лозим.

Айниқса, Урганч шаҳридаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кардиохирургия марказида юракни тўхтатмасдан операция қилишдек мураккаб жараёнлар ҳам амалга оширилаётгани эътиборга молик.

Энг муҳими, бундай шифохоналар ҳар қандай касалликни ҳам тўғри аниқлаб берадиган замонавий диагностика ускуналари билан таъминланмоқда.

Ҳолбуки, яқин-яқингача беморлар бу масалада қийналиб, қанча вақтини йўқотиб, ортиқча маблағ сарфлаб, Тошкентга бориб келганини сизлар яхши биласиз.

Хоразм вилояти бу соҳада ана шундай жиддий натижаларга эришиб, айтиш мумкинки, шу минтақада ўзига хос тиббиёт марказига айланиб бормоқда.

Бугун биз одамлар дардига дармон бўлишдек савобли ишга катта ҳисса қўшиб келаётган тажрибали жарроҳлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Қаландар Бобожонов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Шокир Ҳўжаев, олий тоифали ҳамшира Гулчеҳра Раҳмонова, маҳалла шифокори, «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси Турди Матназарова, болалар уйи ҳамшираси Нева Ким каби кўплаб медицина ходимларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Муҳтарам дўстлар!

Бутун мамлакатимиз сингари Хоразм воҳасида ҳам ёш авлод тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Ва табиийки, бунда ўз ҳаётини таълим-тарбия соҳасига бағишлаган жонкуяр устоз-мураббийларимизнинг хизматлари беқиёс.

Ҳозирги пайтда вилоятдаги мавжуд 536 та мактабда 29 мингдан зиёд ўқитувчи қарийб 350 минг ўқувчига таълим-тарбия бериб келмоқда.

Кейинги йилларда 20 та янги мактаб барпо этилгани, 168 та мактаб эса тубдан таъмирланиб, қайта жиҳозлангани таълим соҳасида салмоқли ишлар қилинаётганидан далолат беради.

Бу ислоҳотларнинг муҳим бир йўналиши бўлган касб-ҳунар таълимига жиддий аҳамият берилаётгани

туфайли охирги йилларда 35 та касб-ҳунар коллежи барпо этилиб, уларнинг умумий сони 56 тага етди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида қарийб 11 минг хоразмлик йигит-қиз таълим олаётгани, вилоятда 600 га яқин профессор-ўқитувчи, жумладан, 26 та фан доктори ва 166 та фан номзоди ёшларга сабоқ бераётгани ҳам Хоразмнинг илмий-маърифий салоҳияти юксак эканини кўрсатади.

Юртимиз ёшлари ўртасида ўтказилаётган фан олимпиадалари ва кўрик-танловлар, спорт беллашувларида воҳа фарзандлари ўзининг чуқур билими, истеъдоди ва маҳоратини намоён этиб, ҳамиша юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Урганч давлат университетининг талабалари, Президент стипендияси соҳиблари Насиба Собирова ва Исоқжон Исмоилов, Зулфия мукофоти совриндорлари Мўътабар Рўзметова ва Муножот Абдуллаева сингари воҳанинг эртанги истиқболини белгилаб берадиган юзлаб ёшлар билан бутун вилоят аҳли фахрланади.

Ана шундай истеъдодли ўғил-қизларни тарбиялаб, камолга етказаётган хоразмлик устоз-мураббийлардан 25 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», яна 24 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» деган шарафли унвонга, кўплаб муаллимлар эса Ватанимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлгани қувонарли, албатта.

Шундай жонкуяр юртдошларимиз қаторида Хива туманидаги 20-меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак, Ўзбекистон халқ ўқитувчилари Раҳмон Саъдуллаев ва Мунаввара Раҳмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийлари Тангриберган Полвонов ва Олим Қувоқов, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Тафкил Латипов, «Шуҳрат» медали соҳибаси Шакар Аминова каби устоз-мураббийларга, вилоятдаги барча маориф ходимларига ташаккур айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Эл-юрт манфаатини ўйлаб яшаш, муҳтожларга беғараз ва беминнат ёрдам бериш, меҳр-мурувват ва саховат кўрсатиш каби халқимизга хос азалий фазилатларни давом эттириб, ўз ҳисобидан замонавий мактаблар, касалхона ва гузарлар, спорт майдончалари барпо этишдек хайрли ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган барча инсонларга бугун самимий миннатдорлик изҳор этамиз.

Шулар қаторида Гурлан туманидан Эриммат ва Ёриммат Содиқовларга, Қўшкўпир туманидан Нураддин Нуриллаев, Шовот туманидан Бозорбой Оқмонов каби кўплаб тадбиркор ва ишбилармонларга умрингиздан барака топинг, кам бўлманг, деймиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Кейинги йилларда биз барча минтақа ва ҳудудларимиз қатори Хоразм воҳасида ҳам қадимий меросимиз, замонлар синовидан ўтиб келаётган миллий қадрият ва урф-одатларимизни асраб-авайлашга, бойитишга катта эътибор бермоқдамиз.

Бу ҳақда гапирганда, халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк маънавий обидамиз - «Авесто» китобининг 2700 йиллиги, Хиванинг 2500 йиллиги, Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантаналарни эслаб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.

Айниқса, ўрта асрларда Шарқ оламининг йирик илм-фан маркази сифатида эътироф этилган Хоразм Маъмун академиясини қайтадан тиклаб, уни замонавий асосда ташкил этганимиз маънавий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, мен сизларга бир хушхабарни етказмоқчиман. Хоразм Маъмун академиясининг миллий ва умумбашарий цивилизация тараққиётидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, биз унинг минг йиллик юбилейини муносиб нишонлаш мақсадида тегишли халқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб бордик.

Ва ана шу саъй-ҳаракатларимиз натижасида ЮНЕСКО ташкилоти Бош конференциясининг шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган 32-сессиясида Маъмун академиясининг минг йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Биз яқинда бу масала юзасидан ўзимизнинг ҳам ҳукумат қароримизни қабул қилиб, насиб этса, 2005 йилда ушбу санани сизларнинг иштирокингизда катта байрам сифатида кенг нишонлаймиз.

Азиз дўстлар!

Хоразм замини қадим-қадимдан кураги ерга тегмаган мард ва баҳодир паҳлавонлар юрти сифатида маълум ва машҳурдир. Кейинги пайтда вилоятда оммавий спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга айниқса катта эътибор берилмоқда.

Бу борада қисқа муддатда жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган Олимпия захиралари коллежи қуриб ишга туширилгани, 15 минг томошабинга мўлжалланган «Хоразм» спорт мажмуаси халқаро андозалар асосида тўбдан қайта қурилгани, вилоятдаги мавжуд спорт залларининг барчаси таъмирдан чиқарилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ана шундай замонавий спорт инфратузилмасига эга бўлгани учун ҳам мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари бу йил Хоразм вилоятида юксак савияда ўтказилганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Фарзандларимизнинг келажаги ва камолотини ўйлаб қилаётган бундай ишларимиз ўз ижобий самарасини беради, албатта. Самбо ва оғир атлетика бўйича Осиё чемпионлари Алишер Йўлдошев ва Улуғбек Маҳмудов, бокс бўйича жаҳон биринчилиги совриндорлари Алишер Матниёзов ва Отабек Бобожонов, кураш ва дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионлари Рустам Юсупов ва Тамара Югай каби ўнлаб спортчи ёшларнинг қўлга киритаётган юксак натижалари бу ҳақиқатни исботлаб турибди.

Муҳтарам юртдошлар!

Агар мендан, Хоразм аҳли аввало қандай хислатлари билан ажралиб туради, деб сўраса, мен лўнда қилиб, «ўурури билан» деб жавоб берган бўлур эдим.

Ҳақиқатан ҳам, бу юрт фарзандларининг ғурури баланд. Мен ғурури баланд деганда гердайишни эмас, балки, ўз юрти, ўз тупроғи билан фахрланишни тушунаман.

Ўурури баланд деганда мен бу замин одамларининг, агарки тоғ-тоғ олтин ваъда қилса ҳам, ўз туғилган ерини ҳеч қачон бошқа жойга алишмаслигини, ота-боболарим, аждодларимнинг хоки ётган шу юрт шонш-шуҳратига ўз ҳиссамни қўшаман, деган эътиқод билан яшашини тушунаман.

Эҳтимол, вилоят аҳлининг асл табиатидан бехабар бўлган одам, ахир, бу ер Швейцария ёки Греция бўлмаса, бир қарашда эътиборни тортмайдиган бу жойларни булар нега бунчалик жон-дилидан севади, нега бунча улуғлайди, деб ҳайрон қолиши мумкин.

Аслида, одамзотнинг она бағрида дунёга келиши қандай мўъжиза бўлса, унинг қалбидаги Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам ана шундай илоҳий мўъжизадир. Ва кимда-ким шу мўъжизани ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлса, Хоразмга келиб, бу замин одамларининг ҳаётига, меҳнатига назар солсин.

Кўнглимдаги бир гапни сизларга очиқ айтсам, мен Хоразм элини мана шундай олижаноб фазилатлари учун севаман ва ҳурмат қиламан.

Ўз ҳаёт тажрибамда кўрганман: бу халқ агар сени қабул қилса, бағрини, қалбини кенг очади, хурсандчилик кунларида ҳам, оғир синов пайтларида ҳам тоғдек елкадош бўлиб ёнингда туради. Энг муҳими, мардлик ва вафодорлик хусусиятларига ҳеч қачон хиёнат қилмайди.

Хоразм аҳлининг ўз юртига бўлган муҳаббат ва садоқатини шу заминнинг улуғ шоирлари Феруз ва Огаҳий, Мунис ва Хоразмий қандай юксак пардаларда тараннум этганини барчангиз яхши биласиз.

Айниқса, буюк шоир ва авлиё Паҳлавон Маҳмуднинг «Мен учун Рум атласидан Хоразмнинг бир парча намати минг бора афзал» деган сатрлари, барча хоразмликларнинг қалбини ифода қилади, десам, янглишмаган бўламан.

Шу фикрларни умумлаштириб, мужассам қилиб айтсак, ҳаётга мана шундай қараш, мана шундай фалсафа билан яшайдиган халқ билан бирга бўлиш, унинг ишонч ва ҳурматини қозонишдан ортиқроқ бахт борми, айтинглар, азиз дўстлар?

Албатта, мен яхши тушунаман, бугун Хоразм аҳли бошдан кечираётган етишмовчилик ва қийинчиликларга барҳам бериш, авваламбор, экологик муаммоларни ҳал этиш, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Мен сизларни қийнаб келаётган бу муаммоларни доимо ўзимнинг елкамдаги оғир юк, деб биламан. Шу боис ҳамиша Хоразмнинг дарду ташвишлари билан, уларни бартараф этиш фикри билан яшайман.

Шунинг учун ҳам сизлар эришган ютуқларнинг лоақал бир қисмида менинг ҳам озгина ҳиссам бўлса, бундан қувонаман, уни худдики ўзимнинг ютуғим, деб ҳисоблайман.

Бу йил мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, жумладан, Хоразм учун нақадар оғир келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундан қандайдир ўксиниб юрган хоразмлик деҳқонларни бағримга босиб, айтмоқчиман: азизларим, қадрдонларим, хижолат бўлманг, ҳаёт бир йил билан якун топмайди.

Мен ишонаман, мана шундай ориятли халқ билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин. Пок ният билан қилган машаққатли меҳнатимиз ўз ҳосилини беражак, иншоолло.

Ишончим комилки, шу кунларга эришиш учун бир ёқадан бош чиқариб, бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат қилишимиз кераклигини мана шу залда ўтирганлар ҳам, мени эшитаётган барча одамлар ҳам яхши тушунади ва шу даъватимни қўллаб-қувватлайди.

Шу борада ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, янги мавсумга пухта тайёргарлик кўришимиз, бунинг учун зарур ишларни уюшқоқлик билан бажаришимиз, аввало, ерни экишга тайёрлаш, ҳали ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, энг муҳими, одамларнинг руҳини кўтариш - бизнинг ҳозирги кундаги долзарб вазифамиз, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикримга қўшиласиз.

Ҳеч шубҳа йўқки, бугунги унутилмас, тарихий воқеа нафақат Хоразм эли, балки бутун Ўзбекистон аҳлини эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида ғайрат-шижоат ва қатъият билан меҳнат қилишга даъват этади, халқимизнинг кучига куч, эртанги кунга бўлган ишончига ишонч қўшади.

Мен сизларни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қадим Хоразм замини дунё тургунча турсин, Хоразм эли ҳеч қачон кам бўлмасин!

8 ДЕКАБР - ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Республикамиз Асосий Қонуни миллати, элатидан қатъий назар мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро манфаатларини кафолатлаши билан аҳамиятлидир.

Унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги - энг олий қадрият даражасига кўтарилган. Конституция куни муносабати билан маҳалламиз фаоллари томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Оқсоқоллар кенгаши ташаббуси билан лекторлар гуруҳи ташкил этилди ва унинг аъзолари ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси техника фанлари доктори, профессор Маҳамадали Холматов маҳалла аҳли ҳузурида Асосий Қомусимиз моҳияти хусусида қизиқарли суҳбат қилди.

Бундай тадбирлар эса маҳалламиз оқсоқоли - қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Мажид Қодировнинг бевосита саъй-ҳаракати билан ташкил этилмоқда. Йиғин раиси кўп ҳолларда маслаҳатчилар, фаоллар куч-билимига таянган ҳолда иш кўради. Шу боисдан ҳам ҳар бир байрам бизда эсда қоларли тарзда ўтказилади. Шунинг учун ҳам ҳудудимиз саранжом-саришта, обод. Беш километр узунликдаги кўча асфальтланди, кам таъминланган оилалар, ёлғизлар, ногиронлар, қариялар ҳамиша эътиборда.

Энвер АРИФОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси, республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

«Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.

Ўзбекистоннинг давлат чегараси, ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.»

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-моддаси.

КОНСТИТУЦИЯ - ҲАЁТИЙ ҲУЖЖАТ

Давоми, аввали 1-саҳифада

Ушбу қонунлар, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг миллий манфаатларини, бошқа мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилишини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Конституциямиз имкониятларини кенг кўламда амалга ошириш ва конституциявий нормаларни ривожлантиришга қаратилган ана шу қонунларни қуйидаги йўналишларга ажратиб таърифлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Биринчи йўналиш - давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасига доир қонунлар. Давлат мустақиллигини мустаҳкамловчи Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий қонун, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, судлар, прокуратура, божхона, Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги, маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонунлар шулар жумласидандир.

Иккинчи йўналиш - сиёсий соҳага доир, яъни ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар. Бунга фуқаролик, сайловлар, референдум, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси, сиёсий партиялар, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги ва бошқа шу каби қонунлар мансубдир.

Учинчи йўналиш — иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий негизини яратишга қаратилган бўлиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ижара, гаров, давлат божи, патта тўлови, ер солиғи, монополистик фаолиятни чеклаш, биржалар ва биржа фаолияти, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, аудиторлик фаолияти, банкротлик, банклар ва банк фаолияти, эркин иқтисодий зоналар, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунлардан иборат.

Тўртинчи йўналиш - маънавий-маърифий, ижтимоий ва маданий соҳаларга тааллуқли қонунлар мажмуи. Давлат тили, таълим, жисмоний тарбия ва спорт, фуқаролар соғлиғини сақлаш, дори воситалари ва фармацевтика фаолияти, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги, байрам кунларини тартибга солиш, энергиядан оқилона фойдаланиш, архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ҳоказолар.

Бешинчи йўналиш - ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий сиёсатга доир қонунлар. Бу гуруҳга Ўзбекистонни халқаро муносабатларнинг ҳуқуқли субъекти сифатида таърифловчи қонун ҳужжатлари, ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий принциплари, дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш, ташқи иқтисодий фаолият, халқаро шартномалар, етакчи халқаро ташкилотларга аъзолик, валютани тартибга солиш, чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар киради.

Шундай қилиб, Конституцияни амалга оширишнинг реал механизми яратилди. Бош Қомусимизни яратиш тажрибаси ва кейинги қонунларни тайёрлаш жараёнлари натижаси ўлароқ, бугун юртимизда миллий қонунчилик мактаби - қонун яратишнинг ўзбекона йўли шаклланганлиги тўғрисида ҳеч бир муболағасиз, фахр билан гапирсак ярашади.

Қонун ижодкорлиги ўзбек йўлининг ўзига хос хусусиятлари Олий Мажлис фаолиятида қандай намоён бўлмоқда, деган савол туғилиши табиий.

Бу, аввало, қонунларимизни тайёрлашда миллий ҳуқуқий меросимизга таяниш, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва ривожланган давлатларнинг ҳуқуқий тажрибаси атрофлича ўрганилишида ва ҳисобга олинишида яққол кўзга ташланади.

Миллий қонунларни холис халқаро экспертизадан ўтказиш, хорижий давлатлар мутахассисларининг хулосаларини олиш анъанага айланди.

Бундан ташқари, мустақиллик йилларида қонунчилик бўйича етук ва малакали миллий кадрлар тарбия топди. Қонун ижодкорлиги соҳасида халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини тортаётган миллий-ҳуқуқий тажриба тўпланди.

Бир сўз билан айтганда, истиқболдаги конституциявий-ҳуқуқий ислоҳотларимиз самарадорлигини таъминлайдиган мустаҳкам замин яратилди.

Ғурур ва ифтихор билан шуни таъкидлашни истардимки, энди биз фақатгина чет эл тажрибасини ўрганувчи субъект сифатида чекланиб қолаётганимиз йўқ, балки ўзбек парламенти яратган қонун ҳужжатлари ҳам хорижий давлатларнинг ўрганиш объектига айланди.

Конституциямиз, кодекс ва қонунларимиз чет эллик олимлар, сиёсатчилар, мутахассислар, ишбилармонлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётир. Шунинг баробарида, ҳатто уларнинг амалиётига ҳам татбиқ этилмоқда.

Мисол учун, америкалик профессор Уильям Батлер истиқлол йилларида қабул қилинган 250 дан ортиқ қонунимизнинг тарихий солномасини тайёрлади ва бу асар мамлакатимизда ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими - Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Мониторинг институти - яратилгани миллий-ҳуқуқий тажрибамизнинг яна бир муҳим қирраси ҳисобланади. Мазкур тизим Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тавсиялари асосида ва кўмагида шакллантирилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тизими вужудга келтирилди.

Бу тажрибамиз нафақат Марказий Осиё давлатларида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва Шарқий Европада ҳам катта амалий қизиқиш уйғотмоқда ҳамда улар томонидан ўрганилмоқда.

Бугун ўн бир йиллик тўйини нишонлаб турганимиз Конституция бунинг ёрқин мисолидир.

Бош Қонунимиз - Ўзбекистоннинг ўзлигини дунёга тўла намоён этишини таъминлаётган, мустақиллигини тасдиқловчи ноёб гувоҳнома, ўзига хос ташриф қоғозидир. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат - Ўзбекистон Республикаси мавжудлигини шоён акс эттириб турибди.

Конституция - нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

Тошкент шаҳри



Айни кунларда юртимиз маҳаллаларида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу тадбирлар Бош Қомусимиз — Конституциямизда белгиланганидек, демократик тамойиллар, ошкоралик асосида ўтказилмоқда.

Суратда:

— Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов тадбирида маҳалламиз аҳли фаол қатнашдилар, - дейди Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги Авиасозлар маҳалласи оқсоқоли Эркин Мусаев (ўнгда). — Бу фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини теран англаётганларидан далолат беради.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

● Ғурур

ВАТАН ҲИССИ

Гоҳида «Ватан нима? Қайси аллома ёки мутафаккир унга тўғри ва тўла таъриф бера олди» деган ўйга толаман.

Ер юзи яралиб, инсон пайдо бўлибдики, у олам ҳақида ўй, фикр юрита бошлади. У Ватан деган тушунчага рўбарў бўлди. Нажмиддин Кубро ҳазратлари "Ё Ватан, ё шарофатли ўлим" деган эдиларки, халқнинг бир кучига ўн куч қўшилиб, мудофаага шайланди, жангга кирди. Бобур Мирзо эса бутун бир Ҳиндистонга ҳукмрон бўлиб, ватан дея нола-фиғон чекиб юрдилар. Бир кун мавлоно Куҳкийни ўз ҳузурларига пинҳон чорлаб, подшоҳлигимдан воз кечиб, қаландар бўлиб, ватан кетгум келадур, усиз ҳаётимнинг ҳеч бир маъниси йўқ деган эдилар.

Хуллас, энг зукко донишманд ҳам унга тугал таъриф беришга ожиз. Чунки Ватан шундай бир гўзалки, чиройи ҳам сўнмайди, шундай чеҳраки гўзалликда ўзга унингдек чирой тополмайди, шундай сўзки ҳеч бир таърифга сиғмайди. Ватан-кўнгил мулки, у изоҳланмайди.

Н.МУРОДОВ,
талаба.

Тошкент шаҳри

● Маҳалла ҳаёти

ЯХШИ НОМ — ФАХР

Яккасарой туманида жойлашган бизнинг маҳалламиз "Конституция" деб номланади. Бундай ном билан биз фахрланамиз. Чунки, ҳар бир мустақил давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири - унинг асосий Қонуни - Конституцияси ҳисобланади.

Маълумки, биз қураётган демократик жамиятда маҳалла - фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели сифатида тан олинган. Унинг қонуний ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида қатъиян белгилаб қўйилган. Шундай экан, айнан маҳаллаларда шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш маҳаллалар зиммасидадир.

Хусусан, маҳалламизда маънавий ва маърифий ишларга жиддий эътибор бериб келинмоқда. Аввало, гузаримизда "Маънавият ва маърифат" хонасини ташкил этдик ва бу хонани зарурий жиҳозлар, плакатлар билан безатдик. Деярли барча тадбирлар шу хонада ўтказилади.

Маҳалламиз ҳудудида жойлашган Тошкент Давлат педагогика университети билан ҳам алоқамиз яхши. Хусусан, университет ректори профессор Б.Қодиров билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузганмиз. Ушбу шартнома асосида улар маҳаллага маънавий, маърифий ва айрим ишларда амалий кўмак беришмоқда.

Бу тадбирлар маҳалламиз аҳлининг бош қонунимизни ўрганишида ҳам асосий восита бўлмоқда.

"Бобур" номли маданий-истироҳат боғи ҳам бизнинг маҳалламиз ҳудудида. Ёшларимиз боғдаги спорт майдончаларидан унумли фойдаланмоқдалар. "Спарта" соғломлаштириш спорт мажмуи эса маҳалламиз ёшларига имтиёзли, айрим кам таъминланган оилаларга мансуб ёшларга бепул хизмат кўрсатишмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, биз маҳалла аҳли барчангизни қутлуғ айём - ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямизнинг 11 йиллиги билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз ва барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик ва файзу барака тилаймиз.

Комилжон МУҲАМАДЁРОВ,
Яккасарой тумани Конституция маҳалласи оқсоқоли.

● Обод маҳалла йили танловлари

МАҲАЛЛА КОНСТИТУЦИЯ ТАРҒИБОТЧИСИ

Давоми, аввали 1-саҳифада

Шу боисдан айни кунларда ҳар соҳа, ҳар жабҳада омманинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда, бу борада ташвиқот-тарғиботнинг барча усуллари қўлланилмоқда. Тан олиш жоизки, фуқароларга, айниқса, ёшларга Бош Қомусимиз мазмун-моҳиятини англатиш ишида маҳалла доирасида ўтказиладиган тадбирлар таъсирчанроқ ва самаралироқ бўлади. Ана шу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашни кўзлаган тадбирлардан бири — Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республикамиздаги бир қатор давлат, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда бир неча йиллар давомида анъанавий тарзда юртимиз маҳаллалари ўртасида ўтказиб келинаётган ушбу йилда эса "Обод маҳалланинг мазмун ва моҳиятини, миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган маҳалла оқсоқоли" деб номланган кўрик-танловдир. Куни кеча мазкур кўрик-танлов якунланиб, унинг голиблари аниқланди.

Ушбу кўрик-танловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувига Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши, Маънавият ва маърифат кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, "Нуроний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, "Тасвирий ойина" ижоий уюшмаси, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Байналмилал маданият маркази ва бошқа ташкилотлар яқиндан ҳамкорлик қилдилар.

Ғолибларни тақдирлаш маросими пойтахтдаги Ўзбек Миллий Академик театрининг биносида бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Ориповлар қатнашдилар, тантанали маросимни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси Аъзамжон Ғадойбоев очди.

Кўрик-танлов шартларида Конституциямиз ва миллий қадриятларимиз асосида маҳаллалар ва оилаларда тинч-тотувлик муҳитини шакллантириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий билимдонликни тарғиб этиш, кексаларнинг касбий, ҳаётий, маънавий тажрибаларидан кенг фойдаланиш орқали ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, жойларда ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларини намунали йўлга қўйиш айни кунларда маҳаллалар фаолиятида долзарб бўлган йўналишлар деб белгиланган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туман, шаҳар ва вилоятларда босқичма-босқич ўтказилган кўрик-танловлар давомида маҳаллаларда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, том маънодаги фаровонликка эришиш йўлида ярқтувчанлик намунасини намоён этаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кўрик-танлов якунларига кўра қуйидаги маҳаллалар голибликни қўлга киритдилар. Учта биринчи ўринга

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги Ўзбекистон мустақилдиги маҳалласи оқсоқоли Э.ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги Акмал Икромов номли маҳалла оқсоқоли Ҳ.УМАРОВ,

Наманган вилояти Наманган шаҳридаги Гулбоғ маҳалла йиғини раиси М.ДАДАХОНОВАлар сазовор бўлдилар.

Учта иккинчи ўринга

Тошкент вилояти Қибрай тумани Қибрай шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Б.УСМОНОВ,

Андижон вилояти Избоскан тумани Янгиобод маҳалласи оқсоқоли Ҳ.ЖУРАЕВ ва Жиззах вилояти Жиззах туманидаги Қўшкўпир маҳалласи оқсоқоли Н.УЛУҒБЕКОВлар муносиб топилдилар.

Яна учта маҳалла оқсоқоли — яъни,

Бухоро вилояти Галаосиё шаҳридаги Н.Ашуров номли маҳалла оқсоқоли Л.АҲМЕДОВ,

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Мустақиллик маҳалласи оқсоқоли Р.СУЛТОНОВ,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Хонтепа маҳалласи оқсоқоли Ф.МАМАНОВлар учинчи ўрин соҳиблари сифатида тақдирландилар.

Кўрик-танловда ғолиб бўлган ва фаол қатнашган оқсоқоллар Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси тавсия этган "Ибратли маҳалла оқсоқоли" кўкрак нишонларга сазовор бўлдилар. Кўрик-танловда фаол иштирок этган маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссия раислари, ҳудуд нозирлари ва посбонлар, шунингдек, кўрик-танловга ҳомийлик қилган давлат, нодавлат ташкилотларининг жойларда танлов тадбирларини ташкиллаштиришда фаоллик кўрсатган жонкуяр ходимларидан бир гуруҳига рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Мавлуда ҚОСИМОВА

Суратда: ғолибларни тақдирлаш пайти. Р. ГАЛИЕВ олган сурат

Андижон вилояти

- Мен Қосимжон Фозиловнинг номзодини қўллаб-қувватлайман, - деди маҳалла фаолларидан бири Абдушукур ота Собиров. - Йилнинг бошида унга ишониб, шу ишни топширган эдик. Яхши ташаббусларни бошлади. Ўзи давом эттирсин...

Маҳалладаги 1436 нафар сайловчининг 70 нафар вакилидан иборат йиғин аҳли унинг номзодини ёқлаб овоз берди. Шу воқеадан сўнг Қосимжон аканинг ёдига падари бузруквори Фозилжон ота тушди.

Фозилжон ота шу маҳаллада 35 йил раислик қилди. Ёши саксонга етиб, "Энди ёшлар ишласин", деганда ҳам маҳалладошлари уни уйидан олиб чиқиб, оқсоқол қилиб сайлашган эди.

Айни кунларда маҳаллани айланган киши хазонрезги фаслида ҳам унинг кўчалари ораста ва сариштa эканининг гувоҳи бўлади. Биз ҳам аввалига ҳайрон бўлдик. Бирор тадбир туфайли шундаймикин, деган хаёлга бордик. Ҳеч қандай тадбир ҳам йўқ, бирор комиссия ҳам келмаётган экан.

Бу ҳақда бир неча фаоллар билан суҳбатлашганимизда, улар:

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Қосимжон Фозилов маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобот-сайлов йиғилиши бунчалик ўтишини кутмаган эди. Йиғилганлар унинг ҳисобот маърузасини берилиб тинглашди. Маруза юзасидан музокараларда сўзга чиққанлар ҳам йиғин фаолиятига яхши баҳо беришди. Масала йиғиннинг янги таркиби ва раисини сайлашга келганда эса яна унинг номзоди ҳақида кўп гап-сўз бўлди.

- Ахир, маҳалла - ўз уйимиз-ку! Унинг покиза ва обод бўлиши ўз қўлимизда, - дея жавоб беришди.

Шу ўринда маҳалланинг ғолиб сифатида "ЭКОСАН" халқаро жамғармаси вилоят бўлимининг юз минг сўм мукофотини олганини таъкидлаш зарур. Бу маблағ ҳам кўчаларни ободонлаштиришда асқотди, албатта. Қолаверса, бу ишларда ҳомий ташкилотларнинг ҳам салмоқли улушлари бор. Уларнинг ёрдамлари ва шаҳар ҳокимлигининг кўмаги билан Шаҳрихон ва Ҳ.Мадумаров номли кўчалар кенгайтирилиб, пиёдалар учун йўлаклар қилинди. Шаҳрихон ва Асака кўчаларига асфальт ётқизилди.

Маҳаллада яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. "Хайр-эҳсон" хайрия жамғармаси ташкил қилинди. Жамғарма амалдаги қонунларга биноан давлат рўйхатидан ўтказилиб, банкда ҳисоб рақами очилди. У ўз номи билан - хайрия ишлари билан шуғулланади. Шунингдек, маҳалланинг ободлиги, покиза, сариштaлиги учун кўмаклашади. Энг асосийси, йиғин раиси кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун кимгадир чопиб юрмайдиган бўлди. Ҳозирданоқ пул тушуми бошланди. Маҳалла тадбиркорлари, дўкондорлар ва бошқа саховатли кишилар ёрдам қўлини чўзишяпти.

Қосимжон Фозиловнинг мақсади эса ўз маҳалласини том маънода обод маҳаллага айлантиришдир. Ўйлаймизки, у албатта, ўз ниятларига етади. Чупки кўпчиликнинг ишончи раисга куч-қувват, ғайрат-шижоат бағишлайди.

Нажмиддин ИКРОМИЙ,
Асака шаҳри.

● Фуқаролар йиғинларида ҳисобот-сайловлар

ШАРОИТ ЕТАРЛИ, БИРОҚ МУАММОЛАР ҲАМ БОР

Қишлоқ этагидаги кўш қаватли мактаб биноси истиқлол даврида қад кўтарди. Унинг қурилишида Кўчкак маҳалласи аҳлининг хизмати катта.

Юзлаб одам ҳашарда қатнашди. Лой кўтарди, ишт терди, қум шувоқ қилди. Мактаб атрофини ободонлаштиришда қишлоқ қариялари ҳам зиёлилар қаторида турди. Ер текислади, кўчат ўтказди, гул экди. Мана бугун уларнинг вакиллари мактаб мажлислар залини тўлдириб ўтиришибди.

- "Чинор - Шўрсув" йўлига асфальт ётқизилди, - дейди маҳалла оқсоқоли Чори Тошқулов ҳисобот маърузасида. - Қабристон йўли текисланди, шағал ётқизилди. Шарқона услубда катта дарвоза ўрнатилди. Пистамозор знёратгоҳи қайта тикланди, ободонлаштирилди. Авлод сойидан оқадиган сувнинг сарбандига 80 метр қувур ўрнатилди. Катта ариқ қазилиб кенгайтирилди.

Тан олиш керак, бу ишларнинг ўзи бўлгани йўқ. Унда С.Йўлдошев, Р.Хўжақулов, М.Жабборов, Х.Самандаров сингари ҳиммати баланд, саховатпеша фуқароларимизнинг хизмати катта. Маҳалламизда ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғиз кишилар ҳам умргузаронлик қиладилар. Уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш эътиборимиздан четда қолгани йўқ. Уларга 351,3 минг сўм ёрдам кўрсатилди. Маҳалладаги кам таъминланган оилаларнинг ҳам ҳар бири ҳисобга олинган.

- Ёшим саксонни қоралаб қолган бўлсада, халққа нафим тегадиган иш қилишга ҳаракат қиламан, - дейди Саттор бобо Йўлдошев. - Авлод қишлоғи этагида Бойсун сой устига ҳашар йўли билан кўприк қурилмоқда. Кўплар қатори мен ҳам бу хайрли ишдан ўзимни четга олмадим. Кўприк қурилишига юз минг сўм ҳадя этдим. Қишлоқдаги қабристонларни ободонлаштириш бошланган эди. Демак, маблағ керак. Жамғармани ҳисоблаб чиқиб, 150 минг сўм ажратдим.

- Саттор бобо ҳақ сўзлади, - деди маҳалла фаоли Хурсанд Мажидов. - Давлат боқади, давлат қўриб беради, деган хаёлда яшаётганлар янглишади. У даврларда қолди. Энди фуқаролик жамиятига қадам қўйдик. Маҳалла унинг қўрғони. Қишлоқ ҳокимлик пункти, тўртта савдо дўкони, учта тегирмон, иккита обжувоз, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси маҳалламиз меҳнаткашларига хизмат қилмоқда. Уларни қуришга, ишни ташкил этишга маҳалла йиғини, унинг оқсоқоли Чори Тошқулов раҳбарлик қилди, елди-югурди. Тоғ ўнгирида жойлашган чекка маҳаллада телефон хизмати йўлга қўйилган. Ичимлик сув, электр қуввати, табиий газ билан таъминланган.

Ҳа, Кўчкак маҳалла фуқаролари йиғинида амалга оширилган ибратли ишлар анчагина. Лекин қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Кўчкак гузарини табиий газлаштиришга, Ҳачерқоя сувини қувурларга туширишга, Шўрсув йўлини асфальтлашга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Маҳаллада қадимий ҳунармандчиликни йўлга қўйиш чоралари кўриляпти. Булар шу маҳалла фуқаролар йиғини ҳисобот-сайлов йиғилишидан илғаб олган гапларимиз. Бундай ҳисобот йиғилганларни қониқтирди, албатта.

Ўтган икки ярим йил давомида самарали меҳнат қилган Чори Тошқуловга халқ яна ишонч билдирди. У якдиллик билан маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

***

Шунингдек, Боғиболо маҳалла фуқаролари йиғинида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши вакиллар уюшқоқлигида ўтди. Унда маҳалла оқсоқоли Содиқ Қосимовнинг ҳисобот маърузаси қизғин муҳокама қилиниб, фаолиятига қаноатланарли баҳо берилди ва у яна маҳалла йиғини раиси этиб сайланди.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

ДЗЮДО: ҒОЛИБ ТЕРМА ЖАМОА САФИГА

Қарши шаҳрида уч кун мобайнида Обод маҳалла йилига бағишлаб дзюдо кураши бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақада мамлакатимиз барча вилоятларидан келган 300 га яқин йигит-қиз ғолиблик учун курашдилар.

- Мусобақанинг юксак савияда ташкил этилганлиги таҳсинга лойиқдир, - дейди мусобақалар бош ҳаками Валерий Тигай. - Вилоят ҳокимияти, спорт ташкилотлари унинг ҳар томонлама кўнгилдагидек ўтишига катта эътибор билан қараганлар.

81 килограмм вазн тоифасида косонлик Лазиз Йўлдошев 100 килограмм ва ундан ортиқ вазнлилар ўртасида тошкентлик Алибек Омонов ва самарқандлик Ўткир Қурбоновлар барча рақибларини енгиб олтин медалга сазовор бўлдилар. Тошкент вилоятидан Шокир Мўминов, Мурод Холиқулов, Олим Худойқулов, жиззахлик Ирода Абдурахмонова, хоразмлик Холида Ҳамидовалар ҳам ўз вазнлари бўйича олтин медалларни қўлга киритишди. Мутлоқ вазнда Тома Кандаурова ғолиб чиқди.

Мусобақа ғолиблари Ўзбекистон дзюдо терма жамоасига қабул қилинадилар.

Ўз мухбиримиз.

● Таъбимиз, табиатимиз...

БЕКОРЧИГА БЕПАРВО БЎЛСАК...

У қандай оқибатга олиб келади? Шу ҳақда ҳам ўйлайлик !

- Келин, ҳов келин...

Ҳовлидан овоз эшитилиши билан гуруч тозалаётган қизалоқ бувисига "ялт" этиб қаради.

- Анави хотин... яна нимадир сўраб чиқяпти...

- Қўй, болам, унақа дема. Сўрагувчи эмас, бергувчи қилганига шукур қилиш керак, - деди бувиси.

- Рост-да, одам бу қадар сурбет бўлмаслиги керак, - жувон қизига ён босди.

Ҳақиқатан ҳам, қўшни аёл одатдагидай иккитагина сабзи сўраб чиққан эди. У навбат билан маҳалладаги ҳамма хонадонларга кирарди. Бутун маҳалла бу аёлнинг хонадонини биларди.

Бир ўғил, икки қизи бор бу аёлнинг эри аллақайда қоровул бўлиб ишларди. Ҳар уч кунда навбатчиликка бориб келарди. Қолган пайтда ўғил тўйида қайноғақайинукалари тўёна қилган кичкина телевизор олдида ёнбошлаб ётиб, "Ассалом..."дан "Хайрли тун"гача томоша қилади.

- Ўғлингизнинг бўйи чўзилиб қолди, мактабга қатнашининг мазаси йўқ. Ўғлимга шогирд тушсин, дурадгорга доим иш топилади, - деди маҳалланинг усталаридан бири.

Отанинг аччиғи чиқди:

- Ўғлим битта. Оғир ишга солмайман. Портфел кўтариб бориб келадиган ишларда ишлатаман, - деди.

Ўғил ҳам кўчадан ҳориганда отаси ёнига ёнбошлайдиган бўлди.

- Овсин, Анзиратхон кечқурун маҳалладаги қизларни йиғиб, зардўзлик ўргатаётган экан, каттангизни чиқарсангиз-чи, - дейишди бировнинг тақдирига лоқайд қарай олмайдиган маҳалла кайвониларидан бири.

- Бе, ҳамма зардўзликни ўрганаверса, зардўзга иш топилармиди, ҳадеб кечқурун Анзиратникига "лик-лик" чопавермай уйда ўтирсин, - деди она.

Тўнғич уйда ўтириб қолди.

- Қизлар пишириқ пиширишга - пазандачиликка боришяпти. Учта талабгор топганни бепул ўргатар экан. Қизим - учта топди, ўрнига сизнинг қизингиз бепул ўргансин. Бизнинг ёрдамимиз шу бўлсин, катта пазанда бўлса, эслаб юрар, - дейишди яна қўйди-пишди қўшнилардан бири.

- Бошига тушса, устозсиз ҳам пиширади. Қайдан чиқди пул олиб пиширишни ўргатиш. Ҳамма ўз онаси ўргатади, - деди она.

Кенжа қиз ҳам уйда қолди. Ҳолбуки, уларнинг шундай рўпарасида яшайдиган катта олим "Бекор қолмасин, меҳнатга ўргансин" деб невараларига тахланган ғиштни олдириб бошқа жойга қайтадан тахлатарди. Қайсидир бола дарсдан сўнг спорт мактабига қатнарди, яна бошқаси компьютер ўргатишга, кимдир тил ўрганишга борарди.

- Самандарнинг ўғли борку, сартарошликни ўрганаётган эмиш. Бировларнинг бошини ишқалаб, сочини ювади, шуям касб бўлди-ю, ваҳ-ҳа-ҳа.

- Ваҳ-ҳа-ҳа... Отанинг кулгисига ўғил қўшилади.

- Адолатнинг қизи аллақайси "Туризм" деган коллежни битириб, меҳмонхонада ишлаётганмиш. Меҳмонхонада ишлаган қизни эр олмайди.

- Унақа қизлар... Иккала қиз онанинг ёнига кириб ғийбатга қўшилади. Эшикма-эшик юриб бировдан бир қошиқ ёғ, яна бировдан бир пиёла қатиқ сўрайдиган худди шу оила.

Улар "Биз кам таъминланган оиламиз, давлат бизга нафақа бериши керак", дейишдан хижолат бўлишмайди. Ҳадеб шунақа гапларидан юраги безиллаб қолган маҳалла фаоллари бир марта уларни ёрдамга муҳтожлар рўйхатига киритиб қўйишган эди, шу-шу байрам, ҳайитларда маҳаллага ҳомийлардан келаётган ёрдамдан ўз улушларини талаб қилиб олишади.

Аввал қўшнилар бу хонадонга эътибор беришар, уларни ўйлашарди. Аммо бора-бора ҳамма ўз ҳаёти билан овора бўлиб, бунинг устига таклифлари ерда қолавергач, ишлари бўлмай қўйишди. Худо йўлига деб сўраганини беришадиган бўлишди...

Фақат бу маҳаллада, бу хонадонда эмас бозор иқтисоди ҳаммани югуртириб, қувватга киритиб қўйган шу замонда ҳам бекорчиликдан ўзини қутқариб ололмаётган йигитлар, қизлар борлиги ва улар оз эмаслиги одамни ташвишга солади. Бир қараганда улар яшаш учун, яхшироқ яшаш учун жони дили билан ҳаракат қилаётган кўпчилик ўртасида билинмай кетаётгандай. Аслида ундай эмас. Аввало уларнинг муҳити, меҳнатга муносабати ўз оиласига, бола-чақасига ўтади. Қолаверса, ҳаммасининг яшаш шароити, руҳияти, саломатлигига таъсир қилади. Ахир, қўлдан бергангa қуш тўймайди. Руҳиятларида бир кунмас бир кун меҳнати орқасидан тўқ яшаётган одамларга ҳасад ҳисси пайдо бўлади. Ўзининг ночор турмуши учун кимлардир айбдордай асабийлашади. Асабийлиги саломатлигига таъсир қилади. Хасталик ҳам бир аъзода туриб қолмайди. Ўтувчан бўлади. Демак, атрофимиздаги бизга ўзўзича яшаётгандай кўринган хонадон ҳаёти ҳам бутун маҳалла, бутун жамият ҳаётида қайсидир даражада акс этади. Шунинг учун меҳнатсиз яшаётганлар ўз ҳаётига ўзлари кўниксалар ҳам, биз кўникмаслигимиз керак, деб ўйлайвераман.

Меҳнат билан яшаётган, яшнаётганларни тарғиб қилишдан, кўз-кўзлашдан, уларни кўпчилик кўз ўнгида баландлатиб, нурлантириб кўрсатишдан чарчамаслик керак экан.

Биз негадир кейинги пайтларда "тадбир" сўзини баландроққа кўтардик. Бу - табиий. Аммо "тақдир" сўзининг ёнида доим "меҳнат", "ҳалол, астойдил, тер тўкиб қилинаётган меҳнат" деган тушунча бирга туриши керак экан.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

Мунаввар олам

● Бор бўл, ташаббус!

ТАҲРИРИЯТ ҲИММАТИ

Юнусобод туманидаги Ўзбекистон мустақиллиги номли маҳаллада янги болалар спорт комплекси "Ўзбекистон овози" газетаси ҳомийлигида барпо этилди

Бугун Ватанимиз обрўсини оширадиган, қалбларимиз ифтихор туйғусини тўлдирадиган, дунёнинг энг машҳур спортчилари билан тенглашадиган ёшларимиз ҳақида жуда кўп гапираяпмиз. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, кучли, бақувват, мард ва жасур қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Болалар ўртасида спортни янада оммавийлаштириш ва юксалтириш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Қарори эълон қилинганидан сўнг, "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририяти хайрли ташаббус билан чиққан эди. Таҳририят пойтахтимиздаги Юнусобод тумани ҳокимлигига мурожаат этиб, ўз маблағи ҳисобидан ташландиқ ҳолатда ётган бирор майдонда болалар ва ўсмирлар учун спорт мажмуаси барпо этиш нияти борлигини билдирганди. Туман ҳокими "Ўзбекистон овози" газетаси ташаббусини қўллаб-қувватлади. Юнусобод мавзеси 15-даҳасида жойлашган Ўзбекистон мустақиллиги номли маҳалла ҳудудида 20 йилдан буён бўш ётган ерни спорт мажмуаси барпо этиш учун ажратди. Қисқа фурсатда таҳририят ўз маблағи ҳисобига маҳалла билан ҳамкорликда бир неча маротаба ҳашарлар уюштириб, ана шу ташландиқ, ўнқир-чўнқир жойни кафтдек текис майдонга айлантирди.

— "Ўзбекистон овози" газетаси таҳририятининг хайрли ташаббусидан маҳалламиз аҳли жуда хурсанд бўлди, — дейди маҳалла оқсоқоли Эркин Худойбердиев. — Узоқ йиллардан буён қаровсиз ётган жойда ажойиб спорт мажмуи бунёд этилди. Маҳалламизда 16 мингта яқин аҳоли яшади. Уларнинг асосий қисмини вояга етмаган ўғил-қизлар ташкил этади. Энди маҳалламиз болалари янги спорт комплексида футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, енгил атлетика турлари билан шуғулланишлари мумкин.

Эндиликда маҳалла ёшлари бўш вақтларини ушбу спорт комплексида ўтказади. Ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланадилар.

— Миржалол Қосимовдек таниқли футболчи бўлишни орзу қиламан, — дейди ўзини Сардор Деҳқонбоев деб таништирган болакай. — Мен 247-мактабнинг олтинчи синфида ўқийман. Кўп қаватли уйда яшаганимиз учун илгари ўртоқларим билан чиқиб, тўп тепайлик десак, майдон топа олмасдик. Энди маҳалламизнинг ўз спорт комплекси бор.

Яратилган шарт-шароитдан маҳалла ота-оналари ҳам болалардан кам хурсанд бўлишмади.

— Кўп йиллардан буён шу мавзеда истиқомат қиламан, — дейди Насиба Атаметова. — "Ўзбекистон овози" газетаси жамоасининг ташаббус ва саъй-ҳаракатлари билан маҳалламизда болалар спорт комплекси қад ростлади. Таҳририят ходимлари ниҳоятда хайрли ишнинг уддасидан чиқишди.

Спорт комплексининг тантанали очилиш маросимида "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Аъзамжон Гадойбоев, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими директори Асқар Толибжоновлар маҳалла болаларига спорт кийим-кечаклари ҳамда спорт анжомлари совға қилдилар.

Гўзал БОЗОРОВА

Суратларда: янги спорт комплексининг тантанали очилиш маросимидан лавҳа; маҳалла педагог-тарбиячиси М.Ҳакимова болалар билан.

Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

ИЖАРА ТИЗИМИ - СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК КАФОЛАТИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва жаҳонда таълим беришнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мазкур дастур ҳамда Таълим стандартлари талабларига мувофиқ ўқувчиларни замонавий дарсликлар билан таъминлаш, мактаб кутубхоналари фондини бойитиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш таълим тизими олдидаги муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу масалани ҳал этиш мақсадида дарсликларни ижарага бериш тизими лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2001 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб синов тариқасида жорий этила бошлади. Синов жараёнида 575 мактабнинг олтитадан синфи иштирок этди.

2002-2003 ўқув йилида ўзбек тилида таълим бериладиган барча мактабларнинг 9-синф ўқувчилари ўн номдаги дарслик билан ижара усулида таъминланди.

Халқ таълими вазирлиги мазкур дарсликларга тўрт йил мобайнида ўзгартишлар киритмасликни кафолатлаган. 2001-2002 ўқув йилида фойдаланиш учун тавсия этилган дарсликлар барча ўқувчи ва ўқитувчиларга етарли миқдорда етказиб берилди. Ўқитувчилар методик қўлланмалар билан бепул таъминланди. Тўрт йилдан сўнг ўқувчиларга бепул дарслик ва қўлланмалар етказиб бериш тўхтатилади. Бу даврдан бошлаб алмаштиришни талаб этадиган барча дарсликлар, ўқитувчилар учун ўқув қўлланмалар ва бошқа келишилган ўқув материаллари DAJ-Дарсликлар айланма жамғармасига йиғилган маблағ ва бошқа молиявий киритмалар ҳисобидан сотиб олинади.

Хўш, мазкур усул ўзини қай даражада оқламоқда? Бу йил бирор ўзгариш бўладими?

Халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган мазкур тизимни мамлакатимизда амалга ошириш давр талабидир. Олинган маълумотларга кўра, дастлабки 2002-2003 ўқув йилида ижара тизимидаги тажриба-синов муваффақиятли якунланган. Дарсликлар нархи, сифати, ундаги мажбуриятлар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига маъқул тушган. Эндиликда бу жараённи босқичма-босқич давом эттириш лозим. Аммо уни таълим тизимига жорий этишнинг ўзи бўлмайди. Тажриба-синовда аниқлаштириб олиш зарур бўлган ўринлар талайгина. Шу боис бу жараённинг жойлардаги аҳволини ҳозирданоқ таҳлил этиб бориш зарур.

- Дастлабки пайтларда ота-оналар ўртасида янги тизимнинг мақсад ва вазифаларини яхши тушунмаганлар ҳам учради, - дейди Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани халқ таълими бўлими мудири Яздон Ҳамдамов. - Ҳозир аҳвол анча яхши. Буни ўқувчиларнинг билим даражаси, уларни дарсликлар билан таъминлаш, улардан фойдаланиш ўтган йилларга нисбатан ўсганлигида кўриш мумкин. Ҳозирги кунда туманимиздаги 55 мактаб ўқувчилари ижара тизимида белгиланган барча дарсликлар билан тўлиқ таъминланди.

- Янги дарсликлар мазмун-мундарижаси аввалгиларидан фарқ қилади, - дейди бошланғич синф ўқитувчиси Ш.Маъдиева. -Тестлар, мавзуга оид саволлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади. Ижара тизими ишимизни анча енгиллаштирди.

- Кейинги пайтда дарсликлар муаммоси ота-оналарни ҳам анчагина қийнаб қўйган эди, - дейди мазкур туманда истиқомат қилувчи Темур Раҳимов. - Дарсликларнинг тинимсиз ўзгариб туриши, сифатининг ҳаминқадарлиги ва юқори нархи кўпчиликка оғирлик қилиб қолган эди. Ўзимдан қиёс. Бир фарзандимга барча дарсликларни сотиб олиш учун 8-10 минг сўм сарфлашим керак.

Балким ундан ҳам кўпдир. Ижара тизимида эса минг-икки минг атрофида пул кетди.

Осиё тараққиёт банки лойиҳаси менежери Г.Тугеевнинг берган маълумотларига кўра, мазкур тизим Осиё тараққиёт банки кредит маблағлари ҳамда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилянти. Мактаб кутубхоналарига банк лойиҳаси доирасида кредит маблағлари ҳисобидан уч йил мобайнида 60 номдаги дарслик ва 17 номда услубий қўлланма ижарага берилди. Мактаб ҳисоб рақамига йиғилган маблағга тўрт йил ўтгач, янги дарсликлар сотиб олинади ва ижарага бериш давом эттирилади.

2003-2004 ўқув йилида таълим ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 4-5-синф ўқувчилари ижара усулида дарсликлар билан таъминланмоқда. Қўшимча дарсликлар ва ўқув қўлланмалари йилдан-йилга, мактаблар ўқув дастури талаб эттан барча зарур адабиётларга тўлиқ эга бўлгунга қадар кўпайиб бораверади.

Ижара тизимини жорий этиш ва ҳал этишда мактаблар маъмурияти учун молиявий жавобгарлик муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳозир дарсликларни кутубхона жамғармасига етказиш, ўқувчиларга тарқатиш, ўқув йили якунида уларни йиғиб олиш жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида ота-оналар билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Аҳоли ўртасида олиб борилган сўровлар натижасида аниқланишича, ижара тизими тажриба-синови жараёнида қўлланилган молиявий жавобгарлик барча ота-оналар талабига жавоб берган. Яъни, барча йиғилган ижара тўловлари ўз вақтида мактабнинг Дарсликлар айланма жамғармаси ҳисоб-рақамига топширилган. Бу ерда йиғилган ижара тўловлари бошқа мақсадлар учун ишлатилмади.

Гўзал Тугеевнинг таъкидлашича, ижара тўловлари тўлиқ тўланмаган жойлар ҳам бор. Бунинг асосий сабаби жойларга айрим дарсликлар кеч - янги ўқув йили бошланганидан қарийб икки ой кейин етказилган. Шунингдек, ота-оналар фарзандларига ижарага кирмаган дарсликларнинг 10 фоизини олиб берган.

Беҳбуд БОТИРОВ,
ЎзА мухбири.

Тошкент шаҳри

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Юртимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Маълумки, совуқ тушиши билан ёнғинлар сони ортиб боради. Бунга сабаб шуки, иситиш печлари, газ асбобларидан нотўғри фойдаланиш, том остида ҳар хил ёнувчи моддалар сақланиши ҳамда қўлбола электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг уйда қаровсиз қолиб, гугурт ўйнаши, маст ҳолатда чекиш каби эҳтиётсизликлар натижасида ёнғинлар келиб чиқади.

ҚИШ ЁНҒИНЛАРСИЗ ЎТСИН!

Албатта, олов кундалик ҳаётимиз учун жуда керак, лекин биз ундан ҳамма вақт ҳам тўғри файдалана олаяпмизми? Баъзида оловдан фойдаланишда озгина хатога йўл қўяр эканмиз, жуда хунук оқибатларга олиб келиши тўғрисида чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз. Пировард натижада эса, тушимизга кирмаган ҳодисаларга дуч келамиз. Агар содир этилаётган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг аксарияти маст ҳолатда чекиш, носоз электр, газ, печ воситаларидан фойдаланишдан келиб чиқмоқда. Бу ёнғинлар қанчадан-қанча моддий ва маънавий зарар етказишини кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Мутахассисларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим фуқаролар хавфсизликнинг оддий талабларини ҳам билмайдилар.

Ёнғинларни келтириб чиқарадиган сабаблар аввало эҳтиётсизлигимиз ва бепарволигимиз оқибатидир. Булар энг аввало ёш болаларни қаровсиз қолдириш, уларнинг гугурт ўйнашларига йўл қўйиб бериш, аёлларни ошхона ишларини бажаришда жумладан, овқат қилиш, ёғ қиздиришда ёки бўлмаса кир ювиб қуритиш учун газ оловидан нотўғри фойдаланишлардадир. Уйдаги электр симларини ўзбошимчалик билан билиб-билмасдан улаш, сигарета чекиб уни тез алангаланувчи жисмлар ёнида ўчирмасдан қолдириш ёнғинларни келтириб чиқарувчи энг оддий сабаблар ҳисобланади. Бебош оловни тизгинлаб олиш осон эмас. Унинг беаёв тиллари бир зумда хонадондаги ёниши мумкин бўлган барча нарсаларни ўз домига тортади. Бундай нохуш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Хонадонларни ва жамоат жойларини қолаверса, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Б.МИРЗАЕВ,
Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори.

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат техника университети томонидан 1993 йилда Буриев Бахтиёр Тулкинович номига берилган 021858 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Табриклаймиз

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Ҳумойун маҳалласи фаоллари маҳалла фаоли Ноила опа Тулеғеновани 46 ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан муборакбод этадилар.

Эшитмадим, деманглар!!!

обуна уюштирувчи учун таҳририят мукофоти бор!



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича:

- **ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига 2 тадан кам бўлмаган ва обуналар сони 1000 донадан (фуқаролар йиғини сони 400 тадан кам бўлса, 850 донадан, 300 тадан кам бўлганда 700 донадан) ортиқ йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимига 1 дона компьютер жамланмаси, ушбу шарт 80 фойизга бажарилганда рангли телевизор;**

Туманлар бўйича:

- **ҳар бир фуқаролар йиғини ҳисобига йиллик обуна 2 донадан кам бўлмаган ва умумий йиллик обуналар сони 120 донадан (фуқаролар йиғини сони 40 тадан кам бўлганда 90 дона, 30 тадан кам бўлганда 70 донадан) кам бўлмаган йиллик обуна уюштирилганда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмасига бир дона рангли телевизор, ушбу шартлар 80 фойизга бажарилганда оқ-қора тасвирли телевизор;**

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича:

- **ҳар бир маҳалла ҳисобига йиллик обуна 3 донадан, умумий сони 25 тадан кам бўлмаганда фуқаролар йиғинига оқ-қора тасвирли телевизор.**

Ўз маҳалласида 10 донадан ортиқ йиллик обуна уюштирган маҳалла фуқаролар йиғинига таҳририятнинг махсус мукофоти берилади.

ТАҲРИРИЯТ

Обуна бўлинганлик ҳақидаги ҳужжатлар таҳририятга тақдим этилади.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Шу кунларда сиздан ёрдам сўровчилар жуда кўп бўлади. Кўнгилчанлик қилиб, барчанинг ҳожатини чиқаришга шошилманг.

СИГИР(22.0420.05)

Айни кунларда ижодий фаолиятингиз авж нуқтага чиқиши мумкин. Бошқа майдончуйда юмушларга эътиборингизни жалб қилманг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Дам олиш кунларини режалаштириб оввора бўлманг. Чунки бу кунлар қутилмаган воқеаларга бой бўлади, сафарга чиқишингиз ҳам мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Фарзандлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар яқин кунларда барча вақтингизни олади. Нима бўлса ҳам ортиқча асабийлашмасликка ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Молиявий масалаларда тартиб-қоидаларга риоя қилиш билан бирга дўстона маслаҳатларга ҳам қулоқ тутиш ўринлидир.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда меҳмондорчиликдан бошингиз чиқмайди. Тантанали тадбирларга берилиб кетиб, муҳим юмушларни фаромуш қилишингиз мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ишларингиз ҳар қанча тиғиз бўлмасин, айни кунларда соғлиғингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишингизга тўғри келади.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Айни кунларда сизга нисбатан таҳқидий фикр билдирувчилар кўпаяди. Улардан хафа бўлишдан олдин хатти-ҳаракаталарингизни ақл тарозусига солиб кўринг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Қадрдон дўстингиз билан аразлашиб қолишингиз мумкин. Бунда ўртангизга совуқчилик туширишдан манфаатдор кишиларнинг ҳиссаси бордир.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Янги йил яқинлашгани сари кайфиятингиз кўтарилиб боради. Бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Байрамона кайфиятни бошқаларга ҳам улашинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Молиявий аҳволингиз шу кунларда ҳавас қиларли даражада эмас. Сарф-харажатларни режалаштирайтиб буни ҳисобга олсангиз ўзингизга яхши.

БАЛИК (19.02-20.03)

Хизмат сафарига боришга тўғри келади. Транспорт воситаларидан фойдаланишда тартиб-қоидаларга риоя этишни унутманг.

«Маҳалла» жамғармаси Бухоро вилояти бўлими, жамғарманинг Жондор тумани бўлинмаси раиси Элмурод НЕЪМАТОВни 60 йиллик юбилейи муносабати билан муборакбод этади.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Абдунаби МАННОПОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БУРИЕВ

Навбатчи: Аброр БЕРДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

4746 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-126 Топширилди—